




«Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилига айланмоғи зарур».

Болам мендан ҳам бахтли бўлсин, дейди бу эл

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан кириб келаётган 2014 йилга мамлакатимизда Соғлом бола йили, деб ном берилди

Ўзбек халқининг барча орзу-ҳаваслари, ҳаётининг мазмуни фарзандлари билан боғлиқ, десак янглишмаймиз. Юртимиздаги исталган одамдан энг олий мақсадиниз нима, деб сўранг, шубҳа йўқки, болаларимнинг бахту саодатини, камолини кўриш, деб жавоб беради.



Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, миллат генофондини соғломлаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган даъват умуммиллий шioriга айланди. Мустақил давлатимизнинг илк ордени «Соғлом авлод учун», деб номланганида ҳам ана шундай ҳикмат бор.

Ўтган йиллар давомида бу олижаноб мақсад йўлида улкан ишлар амалга оши-

рилди. Болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун шароит яратиш йўлида катта куч ва маблағлар йўналтирилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби соҳалардаги изчил ислохотлар бир-бирини тўлдириб, узвий тизим шаклини олди. Бугун замонавий тиббий марказлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

4

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн учинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси 2013 йил 12 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2013 йил 11 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсисда рўйхатга олинади.



Ижтимоий ислохотлар изчил давом этади

ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида Юнусобод туманида Президентимиз Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган-лигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган матрузаси мазмун-моҳиятини ўрганиш ва кенг тарғиб этишга бағишланган амалий семинар ўтказилди. Унда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, профессор-ўқитувчилар ва ёшлар иштирок этди.

2

Халқимиз кўнглидаги ниятлар

ҳаётда ўз ифодасини топмоқда



Искандар АЗИЗОВ,

Олий Мажлис Қонунчи-
лик палатаси депутаты,
ЎзХДП фракцияси
аъзоси.

Муносабат

Конституциямизнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимни чуқур ҳаяжон билан кузатдим. Айниқса, Президентимиз Ислон Каримов дунёда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз, сиёсий чигалликларга қарама-дан, юртимиз барча соҳаларда тарихий ютуқларга эришаётганини ҳаётий факт ва рақамлар мисолида таҳлил қилиб берганида юрагим фахр-ифтихорга тўлди.

Шундай саналар, байрамлар бўладики, улар одамларни руҳан яқинлаштиради, эзгу амаллар йўлида янада жипслаштиради. Конституциямиз қабул қилинган кун ана шундай қутлуг саналардан, десак, хато бўлмайди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, авваламбор, иқтисодиётимиз барқарор суръатлар билан ўсиб, халқимизнинг ҳаёт даражаси тобора юксалиб бораётганини шаҳар ва қишлоқларимиз тобора обод бўлаётгани мисолида кўриб-билиб турибмиз.

Конституция байрами яна шуниси билан азиз ва қадрлики, унда Давлатимиз раҳбари келгуси йилнинг номи-ни эълон қилади. Очиги, ҳар биримиз ниятимиз, режаларимизга қараб, янги йил ҳақида кўнглимизга бир ном тугиб қўямиз, «шундай йил бўлса, яхши бўларди-да», деб ўйлаймиз. Тантанали маросимда Президентимиз келгуси йилни «Соғлом бола

йили», деб эълон қилганида, қалбим чексиз қувончга тўлиб, ён-атрофимга қарадим. Ҳамманинг юз-кўзида ҳаяжон, мамнунлик ифодасини кўрдим. Шунда сездимки, барчамизнинг, халқимизнинг кўнглидаги гап бўлди...

Мустақиллигимизнинг ўтган йилларида Президентимиз бошчилигида ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб камолга етказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласига катта эътибор қаратилди. «Соғлом она — соғлом бола» мақсадли дастури, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, миллий генофондини мустаҳкамлашга йўналтирилган кенг қўламли тадбирлар изчил олиб борилди. 2014 йилнинг «Соғлом бола йили», деб номлангани бу борада амалга ошириб келинаётган ишлар узвий давом этажиги ва янада кучайиб боришини билдиради.

(Давоми 2-бетда.)

Бандлик

КАСБ-ҲУНАР

ўрганмоқчимисиз,
марҳамат!



Тошкент шаҳридаги
касб-хунарга ўқитиш
маркази директори
Равшан Ибрагимов бу
ҳақда кўйидагиларни
гапириб берди

3

«ЖУРНАЛИСТИКА

— ижодий
фан»

танлови волиблари
аниқланди

4

”

Президентимиз ўртага қўяётган вазифалар Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқуролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғояларни янада ривожлантириши билан катта аҳамиятга эгадир.

«Ўзбекистон овози» газетаси
сайтида ўқинг

Ўзбекистонда болалар
ва ёшларнинг
ижтимоий ҳимояси
юксак даражада

Бу халқаро
экспертларнинг фикри



Ўзбекистон Халқ демократик партияси

Сайловолди дастурида оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.



O'ZBEKISTON OVOZI

— халма-хал фикрлар минбари,

СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

ЎзХДП тизими-
даги Жамоатчи-
лик қабулхонала-
ри бугунги кунда
электорат манфа-
атларини ҳимоя
қилишнинг муҳим
механизмига ай-
ланган.

Газетамизнинг келгуси
сонларидан бирида Жамоат-
чилик қабулхоналари фаоли-
ятига оид материал эълон
қилинади.

Ижтимоий ислохотлар изчил давом этади

ЎзДП: устувор вазифалар

Конституция қабул қилинганлигининг 21 йиллиги байрамига бағишланган тантанали маросимда билдирилган фикрлар, 2014 йилнинг «Соғлом бола йили», деб эълон қилиниши Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси зиммасига ҳам улкан вазифалар юклатиш шубҳасиз.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА,
ЎзДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Конституция — асосий қонуни-миз бўлиши билан бирга, олдимизга қўйган стратегик мақсадларимиз, ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим йўналишлари белгиланган ҳуқуқий ҳужжатдир. Шу боис у мамлакатимиз, халқимиз тақдирини муҳим ўрин тутди.


Президентимиз тантанали маросимда сўзлаган нутқиди юртимиз ҳаётидаги муҳим ислохотлар ҳақида фикр билдириб, сиёсий партиялар фаолияти ва масъулиятини кучайтириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратди. Мамлакатни ислох қилишда сиёсий партияларнинг фаолияти ва ташаббускорлигини ошириш демократик ислохотларнинг муҳим омиллиги айлиниши зарурлигини таъкидлади.

Албатта, билдирилган бу фикрлардан зарур хулосалар чиқарган ҳолда, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ўз фаолиятини янада кучайтириши, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ташаббусларни кўпайтириши талаб этилади. 2014 йилнинг «Соғлом бола йили», деб эълон қилиниши, айниқса, ижтимоий йўналирилган ислохотлар тарафдори бўлган партияимиз олдида долзарб вазифалар қўяди.

Жўрақўзи Қўлдошев,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзДП фракцияси аъзоси:

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида сиёсий партиялар муҳим ўринга эга. Шу боис тантанали маросимда мамлакатимиз раҳбари партияларро рақобатни кучайтириш биз кураётган жамиятнинг муҳим хусусияти эканини таъкидлади. Партияимиз, жумладан, фракцияимиз мамлакат ҳаётидаги муҳим масалалар юзасидан ўз позициясини билдириши, электрот ман-

(Давоми. Боши 1-бетда.)



фаатларини янада самарали ҳимоя қилиши, шу мақсадда ҳаётий ташаббусларни кўпайтириши лозим.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотлар, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда парламентнинг роли ошishi муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз ўз нутқиди ривожланган давлатлар тажрибаси, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг сиёсий ва конституцион ривожланишининг мантикий йўли депутатлик органларининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлашни, шу йўлда бошланган ишларни изчил давом эттириши тақозо этаётганига эътибор қаратди.

Қонулар, муҳим қарор ва дастурлар, хусусан, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурининг туман ва шаҳарлардаги ижросини маҳаллий Кенгашлардаги партияимиз депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда таҳлилий ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, бу борада ижро, ҳокимияти масъулиятини ошириш ҳамда муқобил тақдирлар ишлаб чиқишга зарурат сезилаётган. Мамлакат, ҳудудлар тараққиёти билан боғлиқ дастурлар самарали ижро этилишида бунинг аҳамияти бекиёс. Шу жиҳатдан қараганда, Президентимиз Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларда ижро ҳокимиятининг тегишли ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб бориш масаласига яна бир бор эътиборимизни қаратди.



Бундан биз депутатлар хулоса чиқаришимиз, юртимиз равнақи йўлида талабчан ва фидойи бўлишимиз зарур.

Шуҳрат ТУРСУНБОВЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз ўз маърузасида Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳалари бево-сита Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари фикр ва тақдирлари асосида қабул қилинаётганига алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, қабул қилиниши зарур бўлган қатор қонун лойиҳалари ҳақида ҳам тўхталди. Хусусан, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳалари муҳокамаси ва қабул қилинишини тезлаштириш зарурлиги айтилди.

Бу ҳақда гап кетганда, қонун лойиҳаларини маҳаллий Кенгашлар депутатлари, электрот вакиллари иштирокида атрофлича муҳокама қилиш, уларнинг ҳаётий тақдир ва фикр-мулоҳазаларини ўрганиш амалиёти янада такомиллаштириш, бу борада мунтазам тизимни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Давлат бошқарувини янада демократлаштириш жараёниларида Қонунчилик палатаси депутатлари тизимли ишлаши, электрот манфаатлари, мамлакат ривожини нуктаи назардан самарали тақдирлар бе-

Партияимиз, жумладан, фракцияимиз мамлакат ҳаётидаги муҳим масалалар юзасидан ўз позициясини билдириши, электрот манфаатларини янада самарали ҳимоя қилиши, шу мақсадда ҳаётий ташаббусларни кўпайтириши лозим.

риши, жамоатчилик фикрини чуқур ўрганиши муҳимдир. Шунда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнилари янада изчил давом этишига ҳисса қўшган бўла-

Сухроб ҒАЙБУЛЛАЕВ,
Тошкент молия институтини талабаси, ЎзДП аъзоси:

— Бугун мамлакатимиз ҳаётида ёш авлоднинг тугган ўрни бекиёс. Шу боис Президентимиз ўзининг ҳар бир чиқишида бизга алоҳида эътибор бериб, юксак ишонч билдиради. Биз бу ишончнинг оқлашимиз учун, аввало, ўз соҳамизнинг билимдонлиги бўлишимиз, Ватанимиз тараққиёти йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоғимиз зарур.

2014 йилни «Соғлом бола йили», деб эълон қилиниши ҳам бево-сита ёшлар, баркамол авлод тарбияси-га қаратилган ислохотларнинг мантикий давомидир.

Соғлом бола деганда, биз, соғлом фарзанд, соғлом авлоддир. Шунингдек, соғлом авлоднинг катта ишларга қодир бўлиши, ўз Юртини гуллаб-яшнаши, қудратини оши-

ради. Семинар давомида кўпга ёшлар ва партия фаоллари фикрлари тингланди. Тарғибот-тушунтириш ишларини тизимли олиб бориш бўйича тақдир ва тавсиялар билдирилди.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Муносабат

Давлатимиз раҳбарининг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорлари фарзандларимизни соғлом, баркамол ва бахтли қилиб тарбиялашдек улғу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Халқимиз кўнглидаги ниятлар ҳаётда ўз ифодасини топмоқда

Соғлом бола ва соғлом авлодни тарбиялаш масаласи парламент олдида ҳам муҳим вазифаларни қўяди. Президентимиз ўз маърузасида мамлакат тараққиётида парламентнинг ролини янада кучайтириш шартлиги алоҳида тўхталди. Хусусан, фақатгина қабул қилинган қонунларнинг ижросини текшириш билан чегараланмасдан, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро органлари фаолияти устидан назоратини кучайтириш, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда, энг муҳим стратегик масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда парламентнинг ҳуқуқ ва вазифаларини ошириш учун Конституциямизга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Бу вазифаларни амалга ошириш парламентимиз, ҳар бир депутат зиммасига жиддий масъулият юклайди. Президентимиз ўртага қўётган вазифалар Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган қарорларни янада ривожлантириш билан муҳим аҳамиятга эгадир. Шундай экан, бу бо-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

рада қонунчиликни ривожлантиришда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фракцияси ўз тақдирлари билан фаол иштирок этиши зарур.

Айтиш мумкинки, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш каби долзарб масалалар партияимиз фаоллари, депутатлик билан амалдорларнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Чунки оналар ва болалар соғлиғига эътибор қаратиш, уни мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширишга доир чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш каби масалалар партияимиз Сайловдиди дастурида белгиланган.

Мамлакат миқёсида ниманики олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизиди, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини қўриш орзуси мужассам бўлади.

Қўнглимиздаги шу қўлғу ният «Соғлом бола йили»да ҳаммамизни янада мустаҳкам жисмлаштириб, астойдил меҳнат қилишга ундайди, деб ўйлайман.

Ҳар бир ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли бўлишини истайди. Шундай фарзандни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини қўриш ота-она учун улғу саодатдир.

Соғлом бола соғлом муҳитда камол топади

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда соғлом она — соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Давлат умуммиллий дастурлари доирасида амалга оширилаётган улкан ишлар халқимизнинг эзгу мақсадини рўйб-га чиқаришга хизмат қилмоқда. Бу борада эришяётган ютуқларимиз жаҳон миқёсида тан олинди, Ўзбекистон тажрибаси ўрганилмоқда.

2014 йилнинг «Соғлом бола йили», деб эълон қилиниши бу борадаги ишлар янада самарали давом эттирилишига, янги босқичга кўтарилишига муҳим асос бўлади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлашда сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этиши зарур.

Конституцияимиз қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз сиёсий партияларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, сиёсий ҳаётдаги ролини кескин кучайтириш масалалари ҳақида алоҳида тўхталди. Хусусан, Юртимизимиз ўз маърузасида мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда сиёсий партияларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омиллиги айланмоғи зарурлигини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, сиёсий партиялар демократик жараёнларни ривожлантириш, ислохотларни чуқурлаштиришда том маънода ҳал қилувчи кучга айланмас экан, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиб бўлмайди.

Биз Юртимизимиз маърузасида билдирилган фикрлардан ўзимизга тегишли хулосаларни чиқариб олмоғимиз лозим. «Соғлом бола йили» қарорларини рўйб-га чиқаришда фаол иштирок этишимиз учун эса амалий ишлар ва ҳаётий ташаббуслар устида кўпроқ ўйлашимиз талаб этилади.

Биринчи навбатда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оила-ларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш устувор вазифаларимиздан ҳисобланади. Чунки соғлом бола соғлом оилада, соғлом авлод эса соғлом жамиятда камол топади.

Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами, аниқроқ айтганда, боқувчисини йўқотган, моддий жиҳатдан эҳтиёжманд оилалар, ногиронларнинг манфаатини ҳимоя қилишнинг ўз зиммасига олган ЎзДП учун соғлом болани тарбиялаш ғояси ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар бир оила, ҳар бир бола соғлом бўлишидан, энг аввало, бизнинг электротларимиз вакиллари манфаатдор бўлади.

Шундай экан, партияимизнинг 2014 йилга мўлжалланган иш режасида бу борада аниқ вазифаларни белгиллаб олишимиз керак. Биринчи навбатда, соғлом бола туғилиши учун шарт-шароитларни янада яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган бир қатор масалаларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари муҳокамасига олиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Абдулҳамид НУРМАТОВ,
ЎзДП Андижон вилоят кенгаши раиси.

Ҳар қандай мустақил давлатнинг муҳим белгиларидан бири унинг давлат рамзларидир. Истиқлолга эришганимиздан сўнг халқимизнинг азалий орзу-истаклари, эзгу интилишлари Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Давлатимиз рамзлари — халқимиз ифтихори

Давлат рамзларини ҳурмат қилиш ҳар биримизнинг фуқаролик ва фарзандлик бурчимиздир. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади, уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир.

Мамлакатимиз суверенитетининг рамзларидан бири Давлат мадҳиясидир. Унинг матни ва мусикаси Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонунига мувофиқ тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридида Тошкент юридик коллежиди 10 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун муносабати билан ташкил этилган «Давлатимиз рамзлари — халқимиз ифтихори» мавзусидаги анжуманда шулар ҳақида сўз юритилди.

Юртимиз истикболи, халқимиз ақл-заковати, ажодларимиз шон-шухрати ва муносиб ворислари келажагини шарофловчи бу муқаддас қўшиқ жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтиришда муҳим омил бўлаётди. У юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, келахакка ишонч руҳида тарбиялашга хизмат қилиб, буюк бунёдкорлик ишларида халқимизга маънавий куч бағишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат таъкилотлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этган тадбирда давлатимиз мадҳиясининг яратилиш тарихи, ижро этиш тартиб-қоидалари ҳамда аҳамияти хусусида ўқувчи-ёшларга батафсил маълумот берилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Ногиронлар ўзларига мослаштирилган

автомобиль йиғимидан озод қилинган

Давлат солиқ қўмитаси томонидан Республикаимиз ҳудудига автотранспорт воситаларини олиб кириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

— Маълумки, республикаимиз ҳудудига автотранспорт воситаларини олиб кириш масалалари амалдаги қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинадилар, — дейди Давлат солиқ қўмитасининг бошқарма бошлиғи Одилов Набиев. — Уларга асосан, мамлакатимиз ҳудудига жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, чет эл фуқаролари ва республикаимиз ҳудудига доимий яшаш жойига эга бўлмаган кишилар шахсий эҳтиёжлари учун хорижий транспорт воситаларини вақтинча олиб киришлари мумкин. Транспорт воситалари божхона органларидан белгиланган тартибда расмийлаштирувдан ўтказилади. Солиқ кодексининг 320-моддасига асосан, Республика йўл жамғармасига автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) республикаимиз ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим ҳамда чет давлатлар автотранспорт воситаларининг мамла-

тимиз ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганлиги учун йиғим тўланади. Ушбу йиғимлар миқдори тегишли ҳужжатларда белгиланган бўлади.

Бундан ташқари, автотранспорт воситалари олинганлиги ёки республикаимиз ҳудудига вақтинчалик олиб кирилганлиги учун ушбу воситаларнинг эгалари томонидан Ички ишлар вазирлигидида рўйхатдан ўтказиш чоғида фойдаланиш муддатига қараб ҳар бир от кучи учун энг кам иш ҳақиға нисбатан 3 йилдан 7 йилгача бўлса, энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдориди, фойдаланиш

муддати 3 йилдан 7 йилгача бўлса, 7 фоиз ва 7 йилдан ортиқ бўлса, 5 фоиз миқдориди йиғим олинади.

Солиқ кодексининг 324-моддасида автотранспорт воситаларини олиш ёки мамлакатимиз ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғимини тўлашдан озод қилинган фуқаролар кўрсатилган. Булар ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қўл билан бошқаришга мослаштирилган енгил автомобилли ва (ёки) мотоаравачани олувчи барча гуруҳлардаги ногиронлар ҳамда ихтисослаштирилган савдо тармоғидида Ўзбекистон Республикасида, Россия Федерациясида ва Украинада ишлаб чиқарилган янги автомобиль олувчи фуқаролар, шунингдек, яқин қариндошларидан ҳаёт шартномаси ёки мерос асосида автомобиллар ва мотоаравачалар олувчилардир.

Тоштемир МУРОД


Автотранспорт воситалари олинганлиги ёки республикаимиз ҳудудига вақтинчалик олиб кирилганлиги учун ушбу воситаларнинг эгалари томонидан Ички ишлар вазирлигидида рўйхатдан ўтказиш чоғида фойдаланиш муддатига қараб ҳар бир от кучи учун энг кам иш ҳақиға нисбатан 3 йилдан 7 йилгача бўлса, энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдориди, фойдаланиш муддати 3 йилдан 7 йилгача бўлса, 7 фоиз ва 7 йилдан ортиқ бўлса, 5 фоиз миқдориди йиғим олинади.

Касб-ҳунар ўрганмоқчимисиз, марҳамат!

Тошкент шаҳридаги касб-ҳунарга ўқитиш маркази директори
Равшан Ибрагимов бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди— Бугунги тез ўзгарувчан
бозор конъюктураси шароити-
да қисқа муддатларда янги
йўналишлар бўйича
мутахассислар тайёрлаш
долзарб аҳамиятга эга.

БАНДИК

Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида Касб-ҳунарга ўқитиш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ҳамда Ўзбекистон ва Корея ҳукуматлари ўртасида имзоланган «Ўзбекистонда касб-ҳунарга ўқитиш имкониятларини ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида»-ги Келишувга асосан, пойтахтимизнинг Сергели туманида Касб-ҳунарга ўқитиш маркази ташкил этилган эди. Бу ерда автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш йўналишида авточилангарлар, мотор усталари, автомобиллар диагностикаси бўйича мутахассислар, машинасозлик ишлаб чиқариши йўналишида токарлар, фрезерчилар, металлга ишлов бериш мутахассислари, электр ва электроника йў-



налишида электрон қурilmалар, маиший техника, радио ва телеаппаратураларга техник хизмат кўрсатувчи мутахассислар, ахборот тизимлари ва технологиялари йўналишида ҳисоблаш машиналари операторлари, дастурчилар, компьютер ва бошқа ташкилий техникага хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича мутахассислар тайёр-

ланади.

2013 йил 15 ноябрдан ушбу марказга навбатдаги қабул бошланди ва бу жараён 15 декабрга қадар давом этади.

Марказимизда касб-ҳунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш муддати 10 ой бўлиб, шундан ўқиш 6 ой, корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиёти 4 ойдир. Марказда ўқиш истагини билдирган

шахсларнинг ҳужжатлари тегишли туман ҳамда шаҳар бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари йўланмаси асосида қабул қилинади. Битирувчиларга эгаллаган касби, мутахассислиги бўйича малакасини тасдиқловчи ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи давлат намунасидаги диплом

(сертификат) берилди.

Шунингдек, ўқиш истагида бўлганлар қуйидаги ҳужжатлар топширишлари ҳам керак. Ариза, паспорт (асли ва нусхаси), касб-ҳунар коллежлари, лицей ва ўрта таълим мактабининг 11-синфини битирганлик тўғрисидаги ҳужжат (аттестат), тиббий маълумотнома (086 форма), 35x45 мм ҳажмдаги 6 донра рангли фотосурат.

Бундан ташқари, марказимизда ўқиган даврида ўқувчиларга жойлардаги бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан 6 ой муддатга стипендия ҳам тўланади.

Янгилик сифатида яна шунга айтиш керакки, Марказда юқорида қайд этилган мутахассисликлар бўйича шартнома асосида корхона (ташкilot)-ларнинг ишчи-ходимлари ҳамда меҳнат бозорига талаб қилинаётган мутахассисликлар бўйича иш излаётган шахслар қисқа муддатда касб-ҳунар ўрганиши, қайта тайёрловдан ўттиши ва малакасини ошириши мумкин.

«Ўзбекистон овози»
мухбири
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ
ёзиб олди.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2014 йилда қурилиши, реконструкция, капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шарт билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буортмачи бошланғич нархи (сўм)	ҚҚС билан	Қурилиш муддати
1.	Самарқанд шаҳри, Панжикент кўчаси, 24-сон болалар мусика ва санъат мактаби қурилиши	2 353 931 892	2 824 718 270	9 ой
ЛОТ 27-2:				
Лот-1	Пастдаргом туманида ёпиқ сузиш хавзаси қурилиши	1 834 257 545	2 201 109 054	9 ой
Лот-2	Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 85-уй Яққа кураш бўйича олий маҳорат спорт мактабини капитал таъмирлаш	1 055 328 977	1 266 394 772	8 ой

Қурилиш ишлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буортмачи бошланғич нархи (сўм)	ҚҚС билан	Қурилиш муддати
ЛОТ 29-6:				
Лот-1	Ургут тумани, Ғус ҚФЙ Куйи Гузар қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	121 639 369	145 967 243	5 ой
Лот-2	Ургут тумани, Бешбулоқ ҚФЙ Жиробтепа МФЙ Эшонравот қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	100 658 871	120 790 645	5 ой
Лот-3	Қўшрабод тумани, Соҳибкор ҚФЙ Саксончил қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	121 178 121	145 432 241	5 ой
Лот-4	Пахтачи тумани, Пўлатчи ҚФЙ Жанна МФЙда сув тармоғи қурилиши	127 584 693	153 101 632	5 ой
Лот-5	Пастдаргом тумани, Бешқаҳрамон ҚФЙ Олтиқаҳрамон МФЙ Култон қишлоғида сув тармоғи қурилиши	105 610 450	126 732 540	5 ой
Лот-6	Каттақўрғон тумани, Жумабой ҚФЙ Олтинсой қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	113 019 251	135 623 102	5 ой
ЛОТ 30-5:				
Лот-1	Пайариқ тумани, Гулистон ҚФЙ Янгиқиллоқ қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	156 636 559	187 963 871	5 ой
Лот-2	Оқдарё тумани, Дахбед шаҳарчасида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	129 543 539	263 452 246	5 ой
Лот-3	Иштихон тумани, Янгикент МФЙ Чиликли қишлоғида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	211 193 534	145 432 241	5 ой
Лот-4	Самарқанд тумани, Куйи Арабхона маҳалласида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	126 991 074	152 389 289	5 ой
Лот-5	Пайариқ тумани, Қорасув ҚФЙ да сув иншооти ва тармоғи қурилиши	464 187 418	557 024 902	5 ой

Қурилиш ишлари Республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буортмачи бошланғич нархи (сўм)	ҚҚС билан	Қурилиш муддати
1.	Нарпай тумани тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (30 ўринли юқумли касалликлар биноси ва 250 қатновга мўлжалланган поликлиника биноси қурилиши)	1 428 301 730	1 713 962 076	8,5 ой
2.	Тайлоқ тумани тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (39 ўринли хомилдорлик патологияси ва гинекология бўлими қурилиши, кир ювиш хонаси ва дезокамера, овқатланиш биноси ва патолого-анатомия бўлими биноси қурилиши ва қолган бўлимларини капитал таъмирлаш)	3 379 166 667	4 055 000 000	10 ой
3.	Ургут тумани тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (қўшимча 100 ўринли туғруқхона ва 150 қатновга мўлжалланган поликлиника биноси қурилиши)	3 543 333 333	4 252 000 000	10 ой
ЛОТ 31-3:				
Лот-1	Самарқанд шаҳридаги собиқ виллоят эндокринология шифохонасини 150 қатновга мўлжалланган марказий кўп тармоқли диагностика поликлиникасига мослаб реконструкция қилиш	359 166 667	431 000 000	8 ой
Лот-2	Самарқанд шаҳридаги шаҳар юқумли касалликлар шифохонасини реконструкция қилиш	641 666 667	770 000 000	8 ой
Лот-3	Самарқанд шаҳридаги 250 қатновга мўлжалланган 8-сон оилавий поликлиникани реконструкция қилиш	837 500 000	1 005 000 000	9 ой
ЛОТ 32-2:				
Лот-1	Самарқанд шаҳридаги виллоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказини реконструкция қилиш (220 ўринли / бир иш кунда 100 қатновга мўлжалланган)	2 687 575 319	3 225 090 383	10 ой
Лот-2	Самарқанд шаҳридаги 2-сон шаҳар юқумли касалликлар шифохонасини виллоят эндокринология диспансерига мослаб реконструкция қилиш (120 ўринли / бир иш кунда 50 қатновга мўлжалланган)	925 450 293	1 110 540 351	9 ой

Қурилиш ишлари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси: Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд виллояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буортмачи: Самарқанд виллояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй. **Тел.:** (8366) 235-82-86.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисидаги қарорига асосан Лот 27-2 (Лот-2), 29-6 (Лот-1, Лот-2, Лот-3, Лот-4, Лот-5, Лот-6), Лот 30-5 (Лот-1, Лот-2, Лот-3, Лот-4) объектлари бўйича пудрат ташкилотларини танлаш факат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги

талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат-

га эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд виллояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Телефон: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўплашнинг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд виллоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносидан соат 10-00** да ўтказилади.



Ноқулай об-ҳаво

катта
муаммоларни
юзга
келтирди

Ўтган ҳафта АҚШ, Европанинг бир қанча мамлакатлари ва Хитойда ноқулай об-ҳаво кузатилди.

Хитойнинг мегаполиси шаҳри бўлими Шанхайни деярли ҳафта давомида қалин туман тарқ этмади. Тумани куннинг энг юқори чўққиси пайшанбага тўғри келди. Шаҳар маъмурияти жигаранг хавф (энг кучли қизил хавфдан битта кам) эълон қилишга мажбур бўлди. Негаки, 100 метрдан нарини кўриб бўлмади. Шу боис автотрассаларда автомобиллар «тиқни» ўнлаб километрларга қўзилиб кетди. Аэропортда юзлаб парвозлар бекор қилинди. Ҳатто шаҳар порти ҳам ёпилди.

Одатда киш мавсумида Шанхайга ҳавонинг соғуқ оқими кириб келади. Ўтган ҳафта босими ва кучсиз шамол туман юзга келиши учун қулай вазиятдир. Бунинг устига, дейилади «Xinhua» ахборот агентлиги хабарига, шаҳар хавосида транспорт тутунининг қўлиги туман даражасини янада оширади.

Ўтган ҳафта ҳаво сифатининг индекс кўрсаткичи 388 ва ҳатто 400 пункта чиқиб кетди. Бу ҳавонинг ифлослик даражаси юқорилигини англатади. Шу боис шаҳар маъмурияти болалар ва кексаларни, юрак-қон томир ва нафас йўллари хасталиги билан оғриётганларни кўчага чиқмаслик ҳақида огоҳлантирди.

Ноқулай об-ҳаво Европада ҳам кузатилди. Гренландиядан куч олган «Ксавьер» денгиз пўртанаси Европанинг бир қанча мамлакатларига етиб келди. «Reuters» ахборот агентлиги хабар беришича, соатига 225 километр тезликда эсан пўртана шамоли Буюк Британия, Дания, Шотландия, Германия, Голландия, Норвегия, Польша, Скандинавия ҳамда Болтик

ўлкаларига беҳисоб талафотлар келтирди. Шотландия, Дания ва Англияда кучли шамол йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситаларини ҳамда дарахтларни ағдариб юборгани қўрбонлар сони ортишига сабаб бўлди — уч киши ҳаётдан кўз юмган бўлса, ўнга яқин киши турли даражада тан жароҳати олди. Буюк Британияда юз мингдан ортиқ, Шотландияда эса 80 мингдан зиёд уй электр таъминотисиз қолди.

Шимолӣ денгиздаги нефть қазиб олувчи компаниялар платформаларда ишлаётган ишчиларни хавфсиз жойга кўчиришга мажбур бўлди. Шотландияда поездлар қатнови тўхтатилди, негакки, темир йўллар дарахт шох-шабалари ва турли чиқиндилар уюми билан тўсилиб қолган эди. Уларни тозалашга жуда катта куч жалб қилинди.

Циклон Германияга етиб келганда шамол тезлиги бир оз камайиб, соатига 140 километрни ташкил этган бўлса-да, поездлар ҳаракати ва самолётлар парвози вақтинча тўхтатилди. Бу ҳол Данияда, Голландияда, Норвегияда ва Швециянинг жанубий қисмида ҳам кузатилди.

Польшада шамол тезлиги 110 километрга тушиб қолган бўлса-да, лекин хавфлилик даражаси юқориликча қолгани боис аҳоли олдиндан огоҳлантирилди. Мамлакат гарбидаги 25 мингдан ортиқ уй электрсиз қолди. Поезд ва самолёт-Шанхайга ҳавонинг соғуқ оқими кириб келади. Ўтган ҳафта босими ва кучсиз шамол туман юзга келиши учун қулай вазиятдир. Бунинг устига, дейилади «Xinhua» ахборот агентлиги хабарига, шаҳар хавосида транспорт тутунининг қўлиги туман даражасини янада оширади.

Ўтган ҳафта ҳаво сифатининг индекс кўрсаткичи 388 ва ҳатто 400 пункта чиқиб кетди. Бу ҳавонинг ифлослик даражаси юқорилигини англатади. Шу боис шаҳар маъмурияти болалар ва кексаларни, юрак-қон томир ва нафас йўллари хасталиги билан оғриётганларни кўчага чиқмаслик ҳақида огоҳлантирди.

Ноқулай об-ҳаво Европада ҳам кузатилди. Гренландиядан куч олган «Ксавьер» денгиз пўртанаси Европанинг бир қанча мамлакатларига етиб келди. «Reuters» ахборот агентлиги хабар беришича, соатига 225 километр тезликда эсан пўртана шамоли Буюк Британия, Дания, Шотландия, Германия, Голландия, Норвегия, Польша, Скандинавия ҳамда Болтик

Алимбек ТОШБЕК
шарҳлади.

Велосипед савдоси

автомобилдан
ўзиб кетди

Европа автомобил индустриясининг «ACEA» ҳамда велосипед индустриясининг «Coliped» ташкилотлари манбаларига асосланиб «BBC News» хабар тарқатишича, 2012 йил ҳисоботларига кўра, Европа Иттифоқида аъзо 27 та давлатдан атиги иккитасиданга — Бельгия ва Люксембургда велосипед савдоси автомобиль савдосига нисбатан ортда қолган.

Манбаларда қайд этилишича, 2012 йили (Хорва-

тияни қўшмай ҳисоблаганда, у ЕИГА 2013 йил ўрталарида аъзо бўлиб кирган) Европа Иттифоқида умумий ҳисобда 12,05 миллионга автомобиль сотилгани ҳолда, велосипедлар савдоси 19,7 миллионгани ташкил қилди.

Тахлилда шу нарса кўриндики, автомобилга эътибор Европа Иттифоқининг шимолӣ худудларидаги Скандинавия, Голландия ва Бельгия мамлакатларида кучли экан.

Велосипед бозорининг энг гуруллаган мамлакати Германия бўлиб, бу ўлкада умумий савдонинг 20 фоизи, ишлаб чиқаришнинг эса 19 фоизи велосипед индустриясига тўғри келаркан. Буюк Британия ва Франция ҳам бу борада олдинги ўринлардадир.

Аммо 2012 йилги велосипед савдоси мактанарли даражада эмас. Негакки, 2007 йили Европа Иттифоқида 21 миллионга, 2011 йили эса 20,03 миллионга велосипед сотилган. Бироқ автомобиль савдосидан ўзиб кетолмаган.

РЕКЛАМА

